ЭРКИН АЪЗАМНИНГ «БОҒБОЛОЛИК КЎКАЛДОШ» ҲИКОЯСИДА РИВОЯ СТРУКТУРАСИ

М.Шералиева

Мақолада ёзувчи Эркин Аъзамнинг «Боғбололик Кўкалдош» ҳикоясидаги ривоя структураси ўрганилган. Ривоя типи, ривоянинг субъективлаштирилиши, ривоя структурасининг ҳикоя композицияси билан алоқаси каби масалалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *ривоя, композиция, ривоя типи, ривоя структураси, ровий.*

В статье изучена структура повествования рассказа Эркина Агзама «Боғбололик Кўкалдош» («Кукалдош из Богболо»). Проанализированы вопросы типа повествования, его субъективизации, а также связь композиции рассказа со структурой повествования.

Ключевые слова: *повествование, композиция, тип повествования, структура повествования, повествователь.*

The structure of the narrative of the story of Erkin Agzam «Bog`bololik Ko`kaldosh» («Kukaldosh of Bogbolo») is studied in the article. The questions of the type of narration, its subjectivization, as well as the connection of the narrative composition with the narrative structure are analyzed.

Key words: *narration, composition, type of narration, structure of narration, narrator.*

Бадиий насрнинг поэтик хусусиятларини белгилашда ундаги воқеа-ҳодисаларнинг нутқдаги ифодаси – ривоя табиатини тадқиқ этиш алоҳида ўринга эга. Зотан, «Бадиий асар яхлит ҳолда нафақат тасвирланаётган оламдан, балки муаллифнинг мана шу олам ҳақидаги нутқидан ҳам иборат. Ҳар қандай нутқ эса ўз адресига эга, кимгадир қаратилган бўлади» [1. 205]. Шунингдек, профессор Д.Қуронов адабий матн талқинида, энг аввало, унинг нутқ ҳодисаси эканини эътиборда тутиш лозимлигини таъкидлайди: «адабий асарнинг яратувчиси – нутқ ирод этаётган одам, шунга мос тарзда адабий асарнинг ўқувчиси – тинглаётган одам. Бундай дейишимизга асос, ёзмоқнинг моҳиятан тасаввурдаги ўқувчига гапирмоқ, ўқимоқ эса тасаввурдаги ёзувчини тингламоқ эканидир» [2. 12].

Бадиий асардаги ривоя структурасини белгилаш учун масалани ундаги *ривоя субъекти*, *нуқтаи назар эгаси* ҳамда *ривоя типи* аспектларида кўриб чиқиш тақозо қилинади. Ривоя типлари бевосита ривоя субъектидан келиб чиқиб ажратилади. Мутахассисларнинг қайд этишича, «Мен-ҳикоячи» типидаги ривоянинг «Мен-кузатувчи» ҳамда «Мен-протогонист» кўринишларини фарқлаш мумкин. Бундай ажратиш шартли эканлиги шубҳасиз. Чунки А.Қодирийнинг «Калвак махзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажанг нима дейди» туркум асарлари «Мен-ҳикоячи» типидаги ривоянинг юқоридаги таснифига сиғмайди. А.Қодирий учун қаҳрамон тилидан ҳикоя қилиш персонажнинг ўз-ўзини фош қилиши учун восита бўлиш бирга бирга маълум даражада «гап айтиш» учун «ниқоб» ҳамдир. Бундан Тошпўлат тажанг ва Калвак махзумнинг «антогонистик» хусусияти ёзувчининг асл ниятини пардалаш учун бир восита экани англашилади. Шунингдек, Ў.Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романида ривоя навбати билан асарнинг кўплаб персонажлари тилидан олиб борилади, романдаги ровий-персонажларнинг барчасини ҳам «Мен-протогонист» типидаги ҳикоячи деб айта олмаймиз.

Э.Аъзамнинг «Бир дақиқа кўзингни юм», «Чол бўлиб уйғонсак», «Кимларга эшик очасан» асарлари «Мен-протогонист» типидаги ровий томонидан ҳикоя қилинади ва уларда ривоянинг субъективлашиши кузатилади. Бу ҳол, ривоя биринчи шахс ёки учинчи шахс тилидан олиб борилишидан қатъи назар, Э.Аъзам насрига хос хусусият. Парадокс шундаки, Э.Аъзам ҳикояларида ривоянинг субъективлаштирилиши тасвирни объективлаштиришга хизмат қилади.

Э.Аъзам ҳикояларидаги ровий ёки ҳикоячи одатда асар персонажлари каби оддий одам, у ҳамма нарсани англаб, тушунишини даъво қилмайди, шунчаки ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб сўзини айтади. Ровий ўз баҳоси барча томонидан бирдек маъқулланадиган ҳукм эмаслигини ҳам яхши билади ва аксарият диалогга мойил субъект сифатида намоён бўлади. Муаллиф ҳикояга одатда биографик унсурларга эга бўлган биринчи шахсни ровий қилиб танлайди.

Адибнинг «Боғбололик Кўкалдош» ҳикоясида ровий икки марта ўзгаради, иккала ровий ҳам биринчи шахс тилидан ҳикоя қилади. Ҳар икки ровийнинг ҳам бир хил услубда ҳикоя қилиши туфайли субъект алмашингани дафъатан сезилмайди. «Қаҳрамон-

нинг ошнаси» мавқеида туриб ҳикоя қилиш ровийни муаллифга эмас, китобхонга яқинлаштиради.

Н.Д.Тамарченко таҳрири остидаги икки жилдлик «Адабиёт назарияси»да бадиий асар композициясига адабий бадиий асар матнининг ташкилланиши сифатида қаралади: «Ривоя амали матн воситасида рўёбга чиқарилади, айни чоқда қисмларга бўлиш гапнинг қандай субъектга тегишли экани ва унинг кимга айтилаётгани билан боғлиқ. Демак, иккинчидан, биз композицияни асар матни билан, айнан матнни муайян қисмларга бўлиниши билан боғлаймиз» [1. 210].

Юқоридаги қарашдан келиб чиқилса, «Боғбололик Кўкалдош» ҳикояси композицияси уч қисмдан иборат: биринчи ва учинчи қисмлар муаллиф-ровийга, иккинчи қисм ровий-персонажга тегишли. Биринчи ва учинчи қисмлардаги ривояда нутқ субъекти муаллифнинг ўзи, бунда Кўкалдошнинг «болаликда бирга ўсган ошнаси» Нажмиддин – нутқ предмети. Иккинчи қисмдаги ривояда нутқ субъекти – Кўкалдошнинг ҳамқишлоқ синфдоши (исми берилмаган), Кўкалдош эса – нутқ предмети. Биринчи ва учинчи қисмлардаги ровий тўғридан тўғри биографик муаллифга ишора қилади: «Мен ёзган нарсаларимни энг аввал унга (Нажмиддинга – *М.Ш.*) ўқиб бераман» [3.130]. «Нега мен билимдон дўстларим қолиб, адабиётдан йироқ бир одамга ҳикоя ўқиб бераман, ундан фикр кутаман? Унинг мурувватига таяниб, ўзимча кўнглимни овлаб қўйиш учунми?» [3.131]. Бу ўринда муаллиф ровий саморефлексияга мойил субъект сифатида кўринадики, биографик муаллиф ровий образи учун прототип мақомида экани англашилади: «Аммо қўрқаман, унинг дилидаги порлоқ бир хотиротни, ажиб бир муҳаббатни ўлдириб қўйишдан қўрқаман» [3.132]. Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, муаллиф-ровий фақат ҳикоя қилувчи *нутқ субъекти* бўлибгина қолмай, *тасвир объекти* ҳамдир.

Иккинчи қисмда ровийнинг ким биландир юзмаюз ўтириб ҳикоя қилиб бераётганлиги иллюзияси ҳосил қилинган. Юқорида айтганимиздек, бунда услуб ўзгармаганлиги учун нутқ субъектининг ўзгаргани дафъатан сезилмайди. Нутқ услубидан эмас, ундаги айрим жумлалардан воқеалар Кўкалдошнинг ҳамқишлоғи, синфдоши томонидан ҳикоя қилинаётгани англашила бошлайди: «Онаси ўриклилик тоғчилар уруғидан эди. Бу мардум хийла бадфеъл, жангари келади, *биласиз*, ғалвани пулга сотиб олай дейди» [3. 132].

Юқоридаги парчада «*биласиз*» сўзи аввалига биринчи қисмдаги муаллиф ровий сифатида ўрнини бошқа бировга (Нажмиддинга) бўшатиб берганини сезмаган китобхон учун гўё ўзига қаратилган мурожаат сингари қабул қилинади, яъни муаллиф китобхонга мурожаат қилаётгандек туюлади. Кейинроқ «У ҳеч қачон *бизга* қўшилиб бирпас ўйнамаган – бола ҳолича катталар дунёсига ўтиб кетган эди» жумласи нутқ субъекти ҳақидаги тасаввурни конкретлаштиради, ҳикоянинг иккинчи қисмида ровий биринчи қисмдаги муаллиф ровий эмас, Кўкалдошнинг ҳамқишлоғи экани англашилади. Биз гўё муаллиф билан бирга Нажмиддинни тинглай бошлаймиз. Ҳикоя сўнгида маълум бўладики, иккинчи қисмда муаллиф Нажмиддинга «эврилиб» ҳикоя қила бошлаган экан. Нажмиддин ровий экани бирор жойда айтилмайди, муаллиф шартли равишда унинг тилидан ҳикоя қилганлигини асарнинг учинчи қисмидан англаб оламиз: «Нажмиддин анчадан бери кўринмай кетди. Мен шу кунларда унинг келиб қолишидан қўрқиб юрибман. Келса, сиз эшитган нақлни унга ҳам ўқиб беришим керак бўлади» [3. 141].

Ривоя мотивировкаси иккиёқлама хусусиятга эга: муаллиф, бир томондан, Кўкалнинг кечмишига гувоҳ бўлган мактабдош дўст нигоҳидан тасвирлайди, иккинчи томондан, вақти-вақти билан бу ролдан чиқади-да, учинчи шахс тилидан ҳикоя қила бошлайди: «Энди ҳақиқатни тоғ ичкарисидаги Ўриклидан эшитинг» [3.137]. Шундан кейинги воқеаларни ровий учинчи шахс тилидан ҳикоя қилишга ўтади. Муаллиф ўзи кўрмаган Кўкалнинг кечмишини унинг ҳамқишлоғи Нажмиддин нигоҳидан тасвирлагани каби, Нажмиддин бўлмаган жойдаги Кўкалнинг ҳаётини Кўкалнинг ўз нигоҳидан тасвирлайди: «...Ўриклига йўл тортди. Ойтуман, Ойтуман... отасиникига кетиб қолмадими? Бормиди ўзи у?..» [3. 138]. Натижада иккинчи қисмнинг ичида яна бир композицион нутқий бирлик пайдо бўладики, бу ўринда ҳар ерда ҳозир бўлишга қодир муаллиф образи нутқ субъекти сифатида кўринади. Биринчи ва учинчи қисмлардаги муаллиф ровий ҳикояси иккинчи қисмдаги ровий персонаж ҳикоясини яхлитлаштирганидек, персонаж ровий ҳикояси ичида муаллиф ровий ҳикояси келтирилган, нутқ услубидаги умумийлик композицион нутқий бирликларни яхлитлаштиришда асосий роль ўйнаган.

Кўкал ҳақидаги нақлдан сўнг муаллиф биринчи қисмда берилган қуйидаги гапларни такрорлайди: «Начора, ўртабўйман – бўйчанроқ бўлишни, қизиққонман – сипороқ бўлишни, ялқовман – серғайрат бўлишни орзу қиламан. Орзу қиламан...

Ахир, боғбололик Кўкалдош ниятига етди-ку!..» [3. 141].

Ҳикоя финалидаги жумла ҳикоя қилинган воқеанинг ўз-ўзича қиммат касб этибгина қолмай, муаллифнинг ўзи учун ҳам аҳамиятга эга эканини таъкидлашга хизмат қилган. Бу ҳолга ривоянинг субъективлик хусусиятини касб этишидаги асосий омиллардан бири сифатида қараш мумкин.

Умуман олганда, 70-йиллар ўзбек насридаги поэтик янгиланиш давр носирлари асарларида ривоянинг хусусиятларида бир қатор ўзгаришларни юзага келтирди. Бундай ўзгариш ёзувчи Эркин Аъзам ижодига ҳам тааллуқли бўлиб, адиб насрининг ўзига хос жиҳатларидан бири унда ривоя структурасининг тобора хилма-хиллик касб этиб боришида кўринади.

Адабиётлар:

1. Теория литературы. Учебное пособие. Под ред. Н.Д.Тамарченко. В двух томах. Т. 1 – М.: Издательский центр «Академия», 2004. – 512 с.

2. Қуронов Д. Адабий асар талқинига доир айрим қайдлар // Қуронов Д. Талқин имконлари. – Т.: Турон замин зиё, 2015. – Б. 12 – 23.

3. Аъзам Э. Боғбололик Кўкалдош // Аъзам Э. Олам ям-яшил. Ҳикоялар. – Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б. 130–141.

Андижон давлат университети,
2018 йил 5 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)